

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 119 (5212).

18
И Ю Н Ъ

СЕШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

1974 йил 16 июнь, якшанба
куни ўзбекистонлик чакиринг Совет
Социалистик Республикалари Ит-
тифоқининг Олий Советига сай-
лов ўтказилди.

16 июнь куни Москвада, Со-
юзлар уйида СССР Олий Совети-
га сайлов ўтказувчи Марказий
сайлов комиссиясининг мажлиси
бўлиб, мажлисда комиссия раиси
П. Н. Федосеевнинг маълуматда
овоз бериш қандай бўётганини
тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Совет Иттифоқининг бутун
территориясида сайлов маҳаллий
вақт билан эрталаб соат 6 дан

кечқурун соат 10 гача давом эт-
ди.

Марказий сайлов комиссиясида
олинган маълумотларга қараган-
да, кундуз соат 12 гача сайловчи-
ларнинг 85,59 проценти, кечқу-
рун соат 6 гача 99,34 проценти
овоз берди. Кечқурун соат 6 гача
овоз беришда РСФСРдаги сайлов-
чиларнинг 99,02 проценти, Укра-
ина ССРда 99,85 проценти, Бело-
русия ССРда 99,63 проценти,
Ўзбекистон ССРда 99,85 проценти,
Қозғоғистон ССРда 99,99 про-
центи, Грузия ССРда 99,32 про-
центи, Озарбайжон ССРда 99,31
проценти, Литва ССРда 99,49 про-

центи, Молдавия ССРда 99,73
проценти, Латвия ССРда 99,28
проценти, Қирғизистон ССРда
99,74 проценти, Тожикистон ССР-
да 99,01 проценти, Арманистон
ССРда 99,35 проценти, Туркме-
нистон ССРда 98,78 проценти ва
Эстония ССРда сайловчиларнинг
99,69 проценти овоз беришда
қатнашди.

СССР Олий Советига сайлов
ҳақда жойда сайловчиларнинг зўр
сиёсий ақиллиги ва ушшоқлиги
вазиратида ўтди, совет демократи-
ясининг умумхалқ байрамига ай-
ланиб кетди.

(ТАСС).

ВАТАН РАВНАҚИ, ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ УЧУН!



ОЛМАЛИҚДА химия заводининг иккинчи навбати ишга
туширилди. Завод пахтачилик учун қимматли ҳисобланган
«аммофос» ўғитлари ишлаб чиқаради. Суратда: технология
линиясининг илгор ишчиларидан бири Н. Газизуллина.

И. Глазуберзон ва В. Сироткин фотоси.

ТАРАКҚИЁТ ЙЎЛИДА

КПСС Марказий Комитети-
нинг Бош секретари ўртоқ
Л. И. Брежневнинг Москва ша-
ҳар Бауман сайлов округи сай-
ловчилари ҳузурида сўзлаган
нутқи бarchа совет меҳнаткаш-
ларини тўққизилантирмоқда.
Бу нутқда мамлакат ички ақ-
волига чуқур анализ берилди,
ва унинг тараққиёт йуллари
курсадилади. Ўртоқ Брежнев
партия эконоимиксининг асо-
сий ўзати илмий техника про-
гресси эканлигини алоҳида
таъкидлади.

Чиндан ҳам шундай. Ишлаб
чиқаришга янги технологияни,

илм-фан ютуқларини жорий
қилмасдан туриб муваффақият-
ларга эришиш қийин. Бунинг
Тошкент Абразив заводи мисо-
лида ҳам куриш мумкин. Кор-
хонамизда қўлчилар кўп кучи
ердаида бажарилади. Ста-
ноклар маънавий жиҳатдан ала-
қақоний эскирганига қара-
май, улардан фойдаланилади.
Биз реконструкцияга кириш-
дик. Хар бир деҳда иш жара-
ёни иложи борча автоматлаш-
тирилди. Токарлик, қопиллаш
деҳларида вентиляция ишлари
яхшиланди. Натижада меҳнат

унумдорлиги 1,3 баравар ошди.
Ишчилар учун қўлай шарон-
лар яратилди. Ҳали ҳам завод-
да қилинадиган ишлар кўп. Юк
юклаш ва юк тушириш ишла-
рини тўла автоматлаштириш
қўзда тутилмоқда. Маҳсулот-
ларини пилирув деҳида айрим
жарайларини пулт орқали ку-
затишга ўтилади. Шубҳасиз
бу тадбирлар давлат ва корхо-
на ишчилари манфаатига хиз-
мат қилади.

В. РЕДЬКО,
Тошкент абразив заводи-
нинг директори.

ПАРТИЯ ХАЛҚ ҒАМХЎРИ

КПСС Марказий Комитети-
нинг Бош секретари Леонид
Ильич Брежнев Москвадаги
Бауман сайлов округи сайлов-
чилари билан учрашганда сўз-
лаган нутқини эър эътибор билан
тинглади. Унда совет ки-
шиларининг бахт-саодати йўли-
да КПСС Марказий Комитети
томонидан изчиллик билан
амалга оширилаётган бекиёс
ишларнинг ёрқин натижаси ўз
ифодасини топти. Бу билан
барча совет кишилари беҳад
фахрланмоқдалар. Шунинг
учун ҳам улар 16 июнь куни
яқинда бўлиб сайлов участкала-
рига бордилар ва қўвонч билан
овоз бердилар.

Партияимиз Совет кишилари
фаровонлиги йўлида тинимай
фахрурлик қилиб келмоқда.
Биз Л. И. Брежневнинг нутқи-
дан самарали фойдаланишни
талаб қилади. Бунинг учун
колхозимиздаги барча пахта
майдонига 90х15 схемасида
чигит экилади.

Колхозимиз аъзолари Ле-
онид Ильич Брежневнинг сай-
ловчилар олдига сўзлаган нут-
қини ўқиб, ўрганишни давом
этирмоқдалар. Одамийликни,
меҳнат интизомини, халқ иш-
га бўлган оғли муносабатини
кучайтиришга интиломоқдалар.
Бу нутқ бизнинг тиз програм-
маимиз бўлиб қолади.

К. АЗИМОВ,
Чиноз районидagi Охунбо-
боев номли колхоз раиси.

МАҚСАДИМИЗ—40 ЦЕНТНЕР

Ўза парваринида зарбдор
палла ўтмоқда. Пахтакорлар
учун июнь ойи — зарбдор ой.
Дарҳақиқат, ана шу ойда пар-
варини ҳар тарафлама кучай-
тирилса, қатор ораларига ўз
вақтида ишлов берилса, деҳқон
ютқазмайди, мўл ҳосилга за-
мин яратилади.

Пахтачиликда биз кўп ил-
лик тажрибага таяниб, иш ту-
тиб келаямиз. Она-ер биздан
ўз саҳоватини аяган эмас. Ўт-
ган йил ҳар гектар ердан 36,7
центнердан ҳосил кўтариб, дав-
лат планини 130 процент ба-
жарган эдик. Даромадимиз ҳам
шунга яраша бўлди.

Тўққизинчи беш йилликнинг
бешинчи йилида аҳдими-
янада юксак: 183 гектар май-
донини ҳар гектаридан 40
центнердан ҳосил олиш.

Иш билан сўзи бир брига-
даимиз аъзолари чигит ердан

утиб чиқини билан ўза пар-
варини авж олдириб юбориш-
ди. Чигит тўла утиб чиқмаган
ерларга ода экиб, гектарларини
тулдирдик. Илгани ўз вақтида
соз ва сифатли тугаллади.
Биринчи ишлов озқилантириш
билан бирга қўшиб олиб бер-
илди. Ҳозир ўза қатор ор-
аларига иккинчи бор ош-ҳаёт
тараётиримиз.

Ўза қатор ораларига ишлов
беришда, сув тарафда Замира
Шериятбекова, Цой Мария, Ким
Вера, Эргаш Раззоков сингари
колхозчилар, Асад Бобоқонов,
Болта Рустамов каби моҳир
сўзчилар, Сирожиддин Дадабо-
ев, Сотибоди Шермбетов
сингари меҳнаткорларимиз-
нинг хизмати катта бўлаётир.
Шу тўғрйли ўзаларимиз кун-
да бир яппайлиги. Ҳозир улар
ёппасига шонага кириб, гул-
лай, деб турибди.
Дала ишининг муваффақияти.

ти колхозчиларга маданий-маи-
ший хизмат кўрсатилаётгани
бўлиб, биз бунинг ахши тушу-
наимиз. Дала ишчиларимиз
колхозчиларнинг ҳордиқ жойи-
га айлантирилган. У мавсуми-
қилиб беатилиб, керакли ин-
вентарлар билан таъминлан-
ган. Бу ерда колхозчилар дам
олишлари, газета-журнал ўқиш-
лари, овқатланиб, чойхўрлик
қилишлари мумкин. Бу қўлай-
ликлар эса бригадаимиз аъзола-
рини янада самаралироқ меҳ-
нат қилишга ундайпти.

Мақсадимиз аяққ юбелей
йилидаги мажбуриятимизни
тўла ва ошириб бажариш. Биз
ана шу мақсадга яраша меҳ-
нат қилаётимиз.

Э. УСМОНОВ,

Ўрта Чирчиқ районидagi
«Северний маяк» колхоз-
ининг бригада бошлиғи, Ле-
нин ордени кавалери.

МЎЛ-КЎЛ ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРАЙЛИК

Яқинда маъбуотда Бўстон-
лик районидagi Икданов номли
колхоз чорвадорларининг бир
айим-икки йилга етган
ем-хашак жамғариш тўғриси-
даги ташаббуси аъло қилин-
ди. Икданов номли колхоз аъ-
золарининг бу хати шу кун-
ларда барча хўжаликларда
ишлаб чиқилмоқда. Шу асосда
бу йил, табиий ўтлар мўл
бўлган шароитда кўп ем-хашак
жамғариш тадбирларини амалга
оширилмоқда. Икданов номли
колхоз аъзолари ўз имони-
ятлари, резервлари ва ем-ха-
шакни кўпроқ жамғариш юза-
сидан белгиланган тадбирлари-
ни батафсил баён қилганлар.
Бундай резерв ва имониетлар
барча хўжаликларда ҳам маъ-
жудир. Улар ем-хашак жам-
ғариш ишларини тўғри таш-
кил қилсалар барча хўжалик-
ларда ҳам бу йилги шароитда
бир айим-икки йилга етган
ем-хашак жамғариш мумкин.

Областимизда ана шу таша-
бус асосида иш олиб бораётган
хўжаликлар жуда кўп. Кали-
нин районидagi Охунбобоев
номли ихтисослаштирилган
қўйчилик совхози, Оҳангарон
районидagi 1-«Оҳангарон» сов-
хоз, Тошкент от заводи, Ўз-
бекистон чорвачилик илмий-

институтининг
«Красный водопад» тажриба-
сий базаси, Бўстонлик рай-
онидagi Фрунзе номли ва «Ку-
ант ту» колхозлари табиий йи-
ловлардан мўл-кўл пичан жам-
ғаришга катта тайёргарлик би-
лан киришиб, шу кунларда иш
суръатини тобора оширмоқда-
лар. Ем-хашак тайёрловчи
барча бригада ва звеноларга
етарли техника ва ишчи кучи
бирктирилган. Уларнинг унум-
ли меҳнат қилишлари учун
барча шароитлар яратилган.

Табиий ўтлардан пичан жам-
ғаришда, уларни ўз мўдлатида
ўриб олиш ва ташиб гарамлаш
мўл аҳамиятга эгадир. Агар
бу соҳада кекиншига йўл қў-
йилса, ўт тариқидagi бити-
минлар кўбиш куни тасвирда
ўз-ўзидан йўқолиб, пичанинг
сифати пасайиб ютади.

Табиий ўтларнинг таркиби-
да озуқа моддалар кўпайган
давр 8-10 кундан ошмайди.
Шунинг учун ҳам улар худди
шу даврда ўриб олинса ва
янгил олиб гарамлаб қўйилса,
сифатли пичан жамғариш мум-
кин. Бунинг учун хўжаликда-
ги барча техника ва ишчи куч-
ларини сафарбар қилиш, пичан
ўриш ва ташиб ишларини
пухта ташкил этиш керак.

Бу соҳада «Красный водо-
пад» тажриба-сий базаси, ва
Чиноз совхоз-техникумида
амалга оширилаётган ишлар
иб-
ратлидир. Бу хўжаликларда
пичан жамғариш ишининг таш-
кил қилиниши оластадаги бар-
ча хўжаликлар учун намуна
қилиб кўрсатилса арийдик. Бу
хўжаликлар табиий ўтлардан
кўп пичан жамғариш билан
бирга, бедапоиларини ахши
парвариниш, бедаи йилгига
тўрт-беш марта ўриб олишга,
баҳорикор ерларга экинган бе-
даларини ҳам камда икки мар-
та ўриб олишга эришмоқдалар.

Бу йил ем-хашак ўтлари-
нинг ўсиши учун об-ҳавонинг
қўлай келганлигидан фойдала-
ниб, пичан ўришни пухта таш-
кил этган хўжаликлар катта
самараларга эришишлари
мумкин. Шу кунларда пичан
ўриш ва ем-хашак жамғаришда
масъуляти кунлар бошланди.
Барча хўжаликлар маъ-
жуд имониетлардан фойдала-
ниб, бу йил бир айим икки
йилга етган ем-хашак тай-
ёрлаш учун курашчилари ке-
рак.

В. УРИЦКИ,
илмий ходим.

ЧОРВАДОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Республикаимиз қишлоқ хўжалик
маинишлари КПСС XXIV съезди
тарихий қарорларини бажара бориб,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Ко-
мпартиясининг 50 йиллигини муносо-
бат қилиб ошши учун социалистик мусо-
бакага қўшилди, давлатга гўшт со-
тиш ерми йиллик халқ хўжалик пла-
нини мўддатидан илгари 110 про-
цент, сут сотиш планини — 102,4
процент ва тухум сотиш планини —
116,4 процент бажардилар.
90,3 минг тонна эки ўтган йил-

нинг шу давридагига қараганда 11,7
процент кўп ас ва парварда гўшт
22,6 минг тонна эки 7,8 про-
цент кўп сут, 282,5 миллион дона эки
15,5 процент кўп миқдорда тухум
тайёрланди.

Республикаимиз давлатга жуи со-
тиш ерми йиллик халқ хўжалик пла-
нини ҳақда қоракўл терм топириш
йиллик планини бажариш афраксиз
да турибди.

Давлатга чорвачилик маҳсулотларини
сотиш давом этмоқда.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ САЙЛОВОЛДИ НУТҚИ БРОШЮРА ҚИЛИБ НАШР ЭТИЛДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти
КПСС Марказий Комитетининг
Бош секретари ўртоқ Л. И. Бреж-
невнинг 1974 йил 14 июнда
Кремль Съездлар саройидан

Москва Бауман сайлов округи
сайловчилари билан бўлган учра-
шувда сўзлаган нутқини брошю-
ра қилиб нашр этади.

(ТАСС).

ҒАРОВОНЛИК

Эрта тонгданок шаҳар узра
қўй қанот эди. Кеска-ёшнинг
хечрасида табассум. Улар бу он-
ни кўндан бери орангйи қутиш-
ган эди. Мана 3-Ҳамаза сайлов
участкиси. Бу ерда байрамларда-
гидек гажууллик. Антитункт
мудир Зукунжон Нуъмонов билан
сўзбашламиз.

— Иброкимини ҳаммамиз таниймиз,
болам, — дейди 81 ёшли Расту-
ота. Шаҳарини ҳусин-жамоллик
очинишга, лой-чанг кўчаларимизни
ярақлатиб асфальт қилиб бериш-
га бош қўшган одамдан ким маъ-
нури бўлмайди дейсиз. Шунинг
учун ҳам анча илгариёқ бу номини
оштанганимда кўнглим тўлдир.
Баракат топсин, халқ обур-эътибори
нинг қозонбидими нисонининг нис-
сон бўлган шуда.

Отаҳон ҳикоя қилаётган Ибро-
ҳим акани бу ерда ҳамма таний-
ди. У Ўзбекистон металлургия
заводининг директори. Бутун ҳа-
тинини халқга хизмат қилишга ба-
ғишлаган И. Муҳамедов бутун
кунда СССР Олий Советининг ит-
тифоқ Советига сайланмоқда.

Сайловчилар СССР Олий Со-
ветининг Миллатлар Совети депутат-
лигига сайланётган Олмалик
кон-металлургия комбинати қўро-
шин-рух бойитиш фабрикасининг
ишчиси Нина Федоровна Солодов-
никова ҳам ахши биллишди. У
бугунги кунда шунчалик катта
шухратга, назат-икромга фақат
меҳнати орқали эришди. Овоз
бериб чиққан қайси сайловчи билан
сўзбашламизлики. Нинанинг
жонқурилиги ва ғамхўрлиги ҳақ-
да тўққизиланиб галлариди.

Ҳали кўш заррини нурларини
баралла ёйиб улгурмасданок агит-
атор Ортиқхўжа Носиров агит-
лукт мудир олдига кирди. У
ўзига бириктилган участкадаги
сайловчилар ақидилик билан овоз
бериб бўлганликларини ҳақда ра-
порт берди. Сўнгги бундай хуш-
хабар эстафетасини У. Асраев, М.
Боймоқов сингари агитаторлар қўла-
га олишди. Ҳамаза номли сайлов
участкисида сайловлар умумхалқ
байрамига айланиб кетди.

Т. ҚОСИМОВ,
Пискент райони.

ҚУВОНЧИ РАҚАМЛАР

○ Сайловдан сайловгача бўл-
ган вақт ичида олдинги беш йил-
ликнинг шу даврига нисбатан
областада ялли пахта етиштириш
178 минг тоннага кўпайди. Ҳосил-
дорлик 4 центнерга ортиди.

○ 1973 йилда етти та пахтачилик
бригадасида ҳар гектаридан 50
центнер ва ундан ошириб ҳосил
олинди. 101 та бригадада 40
центнердан ва 820 та бригадада
эса 30—40 центнердан ҳосил
олшга эришилди.

○ Ҳозир областада шолчилик
билан 164 та бригада шуғуллан-
моқда.

○ Утган йили макнжўхори до-
ни етиштириш 1970 йилга нисба-
тан деярли олти баравар кўпай-
ди ва 26 минг 600 тоннага та-
шил эди. Ана шу давр ичиде
гектаридан ҳосилдорлик 22,6
центнердан 49,3 центнерга кўта-
рилди.

○ 1973 йилда областада саба-
зот тайёрлаш 1970 йилдагига нис-
батан 83 минг тонна, картошка 5
минг тонна, мева етиштириш

8,5 минг тонна, узум 8 минг тон-
нага кўпайди.

○ Утган уч йил давомида ол-
динги беш йилликнинг уч йили-
га нисбатан давлатга 5 минг
тонна гўшт, 50 минг тонна кўп
сут, 210 миллион дона тухум кўп
сотилибди. 1970 йилга нисбатан
1973 йилда ҳар беш соғин сити-
дан олиннадиган сут ўртача 578
килограммга ошди. Хар юз то-
қудан тухум олиш 36 таданга
кўпайди, қорамолларнинг ўртача
оғирлиги эса 66 килограммга
ортиди.

○ Уч йил ичиде 14 минг гек-
тардан ортиқ еттир ўзлаштирил-
ди. 19 минг гектар маёндада ме-
лорация ишлари бажарилди. Суғо-
риладиган 12 минг гектар майдон
капитал планировка қилинди.

○ Утган йили қишлоқ хўжалик
ингларидан 4405 киши орден-
ларга сазовор бўлди, 11 киши
эса Социалистик Меҳнат Қаҳра-
мони унвонини олинган эршиди.

○ Утган сайловдан буён уч
йил ичиде 20 дан ортиқ йирик
озиқ-овқат саноати объект-

лари ишга туширилди. На-
тижада 1970 йилдагига нисба-
тан озиқ-овқат саноатида 21,2
процент, мебель саноатида 22,6
ҳақда енгил саноатда 16,5 про-
цент кенг истеъмол моллари кўп
ишлаб чиқарилди.

○ Уч йил давомида меҳнатда
коммунистик меҳнат ҳаракати
кенг қулоч ёйди. Чкалов номиди-
ги самолётсозлик заводининг
фрезерчиси Альбина Деятова,
Тошкент тўқимачилик комбинати
тўқувчиси Лидия Казанцева ва
Евгения Губиналарнинг беш йил-
лик топирикларини мўддатидан
илгари бажариш бўйича бошлан-
ган ташаббусларига юз мингдан
ортиқ ишлаб чиқариш ил-
горлари қўшилди. Улардан
икки минг киши шахсий
беш йиллик планини бажар-
ди, 30 мингдан ортиқроқ ишчи
эса 1973 йил ҳисобига ишлаго-
да.

○ Уч йил ичиде давлат чакана
товар обороти ва кооператив
савдоси, шунингдек умумий ов-

қатланни ўтган беш йилликнинг
уч йилгига нисбатан 22,2 процент
ўсди. Ана шу даврга нисбатан
аҳолига товар маҳсулоти сотиш
1 миллиард сўндан ортиқ кўпай-
ди.

○ Сайловдан буён областада 90
минг ўринли мактаблар, қўшмача
синф хоналари қурилди, 42 та
янги мактаб очилди. Қишлоқда
мактабгача бўлган болалар муас-
сасалари тармоғи кенгайди. Ҳо-
зарги пайтда областимиздаги ҳу-
нар-техника билим юртлари сон
51 тага етди. Фақат кейинги уч
йил ичиде бу мактабларда 30
мингдан ортиқ малакали ишчилар
тайёрланди.

○ Ҳозир областада 20 та олий
ва 49 та ўрта-максус ўқув юртла-
ри бор. Уларда 195 минг ишчи-
таълим оломоқда. Уч йилда
70 мингдан ортиқ ёш мутахассис
тайёрланди.

○ Сайловдан сайловгача бўл-
ган вақт ичиде 300 дан ортиқ ки-
риш нафийлар ишлаб чиқариш
га таъин этилди. Бу эса жуда
катта иқтисодий самара берди.



Умри Назарова Оржоникидзе районидagi «Коммунист» колхозининг пешкада сир сугучиларидан, у онан касбини эгаллаш учун курашн етти йилдан бери фермада ишламоқда. Унинг ўзи шогир эди. Энди ёш сир сугучиларга устозлик қилмоқда. Суратда (чапдан) Умри Назарова ўз шогирди Лутфи Абдуллаева билан бирга.

Ф. Абдураулов фотос.

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Янгийўл район маданият бўлимининг мудири Бекмурза Холмурзаев гўза парваршида фидокорона меҳнат қилаётган пахтакорларни дам олиш вақтларини хушмуд ўтказишлари учун биргача ёрритилган ишларини амалга оширмоқда.

Икки маданийт уйига уюшган қобилиятли хаваскор ёшлардан ҳар бири 14 кишидан иборат иккита концерт бригадаси тузилди. Бу санъаткорлар Фрунзе номи, «Коммунизм» колхозларида, Свердлов номи совхоз далаларида бўлиб, концерт бердилар. Ундан ташқари санъаткорлар тўғрисида пайтларда ҳам дала ишчиларида бўлиб, деҳқонларни мароқдан дам олишлари учун қизиларни программага қатор концерт беришди. Талантли хонанда Ташкентбой ўрун ва райқоса Милохотхон Тожибоеваларнинг чиқишларини пахтакорлар зўр иштиёқ билан қарши олмақда.

Т. ЮСУПОВ.

ОЛТИ ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Келес жунни дастлабки қайта ишлаш фабрикаси коллектив аjoyиб муваффақиятини қўлга киритди. Фабрика меҳнатқашлари мавжуд резервларини тўла ишга солиб, техника ва ишчи кучидан унумли фойдаланиб, олти ойлик топириқни муддатидан олдин 13 июнда шараф билан адо этдилар.

Хозир фабрика цехларида ишлар қизғин давом этмоқда. Ишчилар ой охиригача яна 900 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар. Айни пайтда фабрикада реконструкция ишлари ҳам қизғин давом этмоқда. Урнатилмаган янги дастхорлар гўла ишга туширилмоқда, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми яна ҳам ошади.

МЕХАНИЗАТОР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик ҳодимлари йил сайин пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил еттиштирмоқдалар, деҳқончилик маданиятини тобора оширмоқдалар. Бунда комплекс механизацияга таянган ҳолда иш қилиш яхши натижа бермоқда.

Сўнгги йилларда колхоз ва совхозларга қўллаб қўйиш қўжалик машиналари етказиб берилмоқда. Област колхоз ва совхозлари бу йил яна 600 дан кўпроқ трактор, 500 га яқин пахта териш машинаси ва қўпгина бошқа янги машиналар оладилар. Бу эса маҳалли механизатор кадрларга бўлган талабни яна оширади.

Бирок, областнинг ҳали қўпгина колхоз ва совхозлари механизатор кадрлар билан етарли таъминланмаган. Ишчи икки сенада ташкил қилиш учун колхоз ва совхозларга 2 мингга яқин тракторчи, 300 дан кўпроқ комбайнчи, 1 мингдан ортиқ механик-ҳайдовчи ва қўллаб бошқа механизатор кадрлар еттишмайди. Колхоз ва совхозларнинг яна шу кадрларга бўлган талабни қондириш мақсадида бу йил «Узсельхозтехника»нинг район бирлашмалари ҳузуридаги ва совхозлар қошидаги дониш ишлаб турадиган механизатор тайёрлаш курсларида қишлоқ ёшларидан 1050 киши тракторчи, 900

ишчи механик-ҳайдовчи ва комбайнчи касбини эгаллашлари, шунингдек областдаги қишлоқ хўжалик билим юртиларига 1450 йилит-қиз ўқитиш юборилиши кўзда тутилган.

Механизатор кадрлар тайёрлашдек муҳим ишга аҳамият берилаётган ҳужалик ва районларда бу иш яхши ташкил этилган. Булар жумласига, Оққўрғон, Бўка, Калинин, Оржоникидзе ва Янгийўл районларининг қўрасиш мўлки. Лекин, областнинг баъзи районлари ва хўжаликлариди бу ишга аҳамият берилмапти. Бу курсларда ўқув-ўқитиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган, ўқувчи ва ўқитувчилар учун шартнослар яратилмаган. Масалан, ўрта Чирчиқ район «Узсельхозтехника» бирлашмаси қондаги ўқитиш учун ажратилган хона талабга жавоб бермайди, кўразмали қурулор ётоқхона билан таъминланмаган, натижада улар ўқитишга 10—15 километрдан қатнашади. Бекобод ва Пискент район «Узсельхозтехника» бирлашмаси ҳузуридаги курсларда ҳам аҳоли шундай. Бўстонлик ва Чиноз районларида эса ҳатто ҳали курс ташкил этилган йўқ. Ваҳоланки, бу район хўжаликларида қўллаб

меҳанизатор кадрлар еттишмайди. Бекобод район совхозларида 600-га яқин механизатор, Юқори Чирчиқ район хўжаликларида эса 500 дан кўпроқ механизатор еттишмайди.

Белгиланган тартибга биноан ҳар бир тракторга камида 1,5—2 тадан тракторчи бўлиши лозим. Бирок, қўпчилик район ва хўжаликлар йил сайин механизатор тайёрлаш курси ва мактабларга ўқувчилар юбориш планини баъжармай келади. Шунинг натижасида област хўжаликларида сўнгги 3 йил ичида механизаторлар сон атиги 5 процентга қўпайди, ҳоло. Бўстонлик, Юқори Чирчиқ, Пискент, Бўка, Калинин, ўрта Чирчиқ районларида эса аксинча механизаторлар сон йил сайин камайиб бормоқда, ҳолбуки бу районларда техника сон йилдан-йилга қўпаймоқда.

«Узсельхозтехника»нинг ҳамма район бирлашмалари ва совхозлар қошидаги курслар йилиги локимини камайиб бормоқда, ҳолбуки бу районларда техника сон йилдан-йилга қўпаймоқда. «Узсельхозтехника»нинг ҳамма район бирлашмалари ва совхозлар қошидаги курслар йилиги локимини камайиб бормоқда, ҳолбуки бу районларда техника сон йилдан-йилга қўпаймоқда. «Узсельхозтехника»нинг ҳамма район бирлашмалари ва совхозлар қошидаги курслар йилиги локимини камайиб бормоқда, ҳолбуки бу районларда техника сон йилдан-йилга қўпаймоқда.

ИККИ ЙИЛЛИК ЕМ-ХАШАК ЖАМГАРАМИЗ

Хўжаликда беданинг биринчи ўрнини туталлади. Ҳар гектар эски бедаполаддан 140 центнердан, янгиладан 60 центнердан ҳосил олинди.

Колхоз сўт-товар фермаси ҳолисига пландаги 100 тонна ўрнига 150 тонна беда жамғарилди. Унинг асосий қисми сенаж қилиб қўйилди.

— Бу ишларнинг ҳаммасида, — дейди ем-хашак тайёрлаш бригадасининг бошлиғи Турсун ака Сайдалиев, — комсомол-ёшларнинг ҳиссаси катта бўлган. Улар 130 гектар майдондаги беда майсаларини парварши қилишда фаол қатнашмоқдалар.

Колхозда бедадан ташқари маккажўхори дони ва кўпқоси еттиштиришга ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу йил 50 гектар майдонда силос учун «дала маликаси» ўстирилган.

Деҳқонлар хашаки лавлаг и май

БАРАКАЛИ ҒАРАМЛАР

донларини ҳам 15 гектарга кўпайтириб, ҳар қачонгидан кўп ҳосил еттиштириш учун курашмоқдалар. Шундай қилиб, белгиланган йилда хўжаликда 400 тоннадан ортиқ сенаж, 2240 тонна силос, 1110 тонна беда ғарамларини жамғариш кўзда тутилмоқда.

Чорва моллари озуксини қўллаб жамғариш натижасида сўт-товар фермаси барча кўрсаткичлар бўйича районда пешқадамлик қилмоқда. Чорвадорлар шу кунгача 270 тоннадан ортиқ серқаймоқ сўт, 37 тоннадан эиёд қўт ва бошқа маҳсулотлар еттиштириб, квартал ҳамда йилик план топириқларини ошириб адо эттишди. Сўтининг ёғиллик даражаси ошапти. Ҳар бир ситгидан ўрта ҳисобда йилиги 3 минг килограмдан сўт соғиб олинган.

Чорва моллари учун озук жамғаришда тракторчилардан Раҳмат Исмаилов, Эргаш Тешабоев, колхозчилардан Абдувоҳид Расулов, Раҳматулла Нирматов, Хайрулла Солипов сингари ёш коммунист ва номсозлар яхши меҳнат қилишган.

Янгида бўлган комсомол-ёшлар йилигида (комсомол ташкилотининг секретари Зухур Зоидов) бир гуруҳа комсомол-ёшлар бу йил қир ва адиқлардан қўллаб дағал хашак жамғариш ташаббуси билан чиқдилар. Ёш беш кишидан иборат зарбдор бригада ташкил этилди. Улар хўжаликнинг Қизилқум зонасида пландаги 100 тонна ўрнига «200 тонна» дағал хашак жамғариш, шу тариқа чорва моллари учун бемалол икки йилга етарли озук тайёрлашга қарор қилдилар. Ёш ватанпарварларга колхоз правлениеси, партия ва комсомол ташкилотлари етарли техника воситаларини бериштиб қўйдилар. Уларнинг меҳнат қилиш билан бирга қўпчилиги

дам олишлари учун тадбирлар белгиландилар.

Колхозда ёш коммунист Ҳолдўна Хонқўнаев бошлиқ беш кишидан иборат юз центнерчи комсомол-ёшлар маккажўхорилик звероиси аъзолари ҳам фидокорона меҳнат қилишган. Тракторчилардан Маҳкам Саҳобидинов ва Эргашали Шералиев ўртоқлар «дала маликаси»ни шу кунгача иккинчи комплекс парваршидан чиқардилар. Ҳозир улар экинни қондириб сўғоряптилар.

Янгийўл районидagi «Коммунизм» колхозини далаларида бўлганимиз, чорва озуксини жамғарувчи коллектив аъзолари худди пахтакорлар сингари экинларни меҳор билан парварши қилаётган, қўллаб озук жамғаратганликларининг гувоҳи бўламиз.

Р. НУЗЧИЕВА,
М. ҚУШОҚОВ.

МЎЛ ҲОСИЛНИ КЎЗЛАВ

Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбоев номи колхозининг Худоберди Дадашев бошлиқ бригада аъзолари ўзлар социалистик мусобақани қизитиб, гўза қатор ораларида ишлов беришни қўзғайтириб юбордилар. Бригаданинг меҳнатсеварлари юбилей йилида 89 гектар майдоннинг ҳар гектарида 35 центнердан «оқ олтин» қўта, риш учун курашмоқдалар.

Миришкорлар ҳозиргача ўсимлик қатор оралиғига икки марта комплекс ишлов бердилар, бир марта қондириб сўғордилар. Яхши парварши қўрган гўзаларининг аяки баланд. Ҳосил ишчи билан ёнган механизаторлар гўза қатор оралиғига сифатли ишлов беришган.

Зариф Мирзаев, Саидқабар Нийёхўжаев каби механизаторлар ҳар кунин 8—10 гектар майдондаги ўсимликларни култивациядан қилармоқдалар. Сўтининг «Гўзани янгаловчи, дейди халқимиз. Бригаданинг Умарали Тошев, Қаримберди Султонов, Ахром Саидқаримов, Абдусалим Бердимуродов, Раҳим Умурзоқов каби сувишлар тунги сўғоритиш алоҳида эътибор бериб, гўзаларини обияҳетга қондирмоқдалар.

Бригада далаларида бегона ўтчи кўрмайсиз. Чунки колхозчи қиз-жувадорлар қочиниқ сифатли ўтқазиб, ҳар тўп гўзани меҳр билан парварши етмоқдалар. Ҳафиза Рузиева, Ҳайбат Усмонова, Ҳамид Нийёхўжаев, Сотқийи Тошбоев, Турдали Ашралиев, Бахтиёр Раҳматов кабилар ҳар кунин самарали меҳнат қилмоқдалар.

Р. БОИТУЛЛАЕВ.

80 ЦЕНТНЕРЧИЛАР ДАЛАСИДА

Оққўрғон районидagi Навоий номи колхоз далалари. Трактордор бир маромда ишлаб турипти. Ўшнинг белнига уриб қолган «дала маликаси» гўё денгиз каби чайқалиб, мавжланади. Кенг далаин эгаллаб, ётган маккажўхоризор қалбларга қувонч бахш этади.

Тракторчин эгит бошига бо

риб, кайтиб келди. У макка, жўхориқорлик звероисининг бошлиғини Номоз Бувабоев эди.

— Маккажўхори нечаник ишлов бериляпти? — Ҳозир ўқитчи ишловини бериляпти. Бу йили туталдиганмикидан сўнг унинг марта оқилантиряпти. Бригаданимиз бўйича 70 гектар ерга дон учун маккажўхори экинчилиги. Янгида ўқитчи сув қўйишни туталдиган. Сўғирлардан Тошметир Абдураулов, Исроил Сиддиқов, Беркин Суларов ва Сиралбой Тўғрубековлар экинларни қондириб сўғормоқдалар. Сўғорин олдиндан оқилантиряптими, — деди Бувабоев.

М. ТОЖИБОЕВА,
Х. АБВАЛОВ.

ҲАМКОРЛИК МАНАФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

КОПЕНГАГЕН. 16 июнь. (ТАСС). СССР билан Дания ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган кунга 18 июнда 50 йил тўлиши муносабати билан Дания фолькетинг (парламент) раиси Карл Скутте Дания Совет Иттифоқи билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини айтди.

Дания билан Совет Иттифоқи ўртасидаги мавжуд яхши

алоқалар мамлакатимиз халқларининг янада қўқур ҳамжиҳатлигига кўмаклашадиган, деб таъкидлади К. Скутте. Давлатларимиз ҳаётининг турли масалалари юзасидан ўтказилган фикрлашувлар анча катта фойда келтирмоқда. Бу эса Совет-Дания иқтисодий, савдо ва маданий ҳамкорлигини муваффақиятли ривожлантиришга ёрдам беради.

МУҲИМ ҚАРОРЛАР

ЛИССАБОН. 16 июнь. ТАСС мухбири Э. Ковалев хабар қилади: Португалиянинг муваққат ҳўкумати сиёсий ва иқтисодий масалалар юзасидан бир қанча муҳим қарорларин қабул қилди.

«Қуролли қучлар ҳаракати» программасининг бош бандларидан бирини баъжариш юзасидан ҳўкумат давлат аппарати тозалаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу мақсадда давлат хизматчиларини текшириш билан шўғуллангандаги министрликларо комиссия тузилди. Кадрларга доир масалаларни ҳал этишда комиссия давлат хизматчисининг 25 апрель воқеаларига ва ундан кейинги ҳўл-атворини, унинг янги демократик режими партиядаги ўз вазифаларини ҳалол бажариш қобилиятини, унинг шахсий ва профессионал сифатларини ҳисобга олади.

Шу қарорнинг ўзига биноан сиёсий полиция — ПИДЕнинг ва фашистик режим даврида мавжуд бўлган бошқа полиция муассасаларининг ҳамма озоқ ҳодимлари, шунингдек ПИДЕнинг ахборотчилари ва сиёсий полицияга хизмат қилган бошқа кишилар давлат қизматидан бўшатилди. Уларни ҳаммасининг келгусида давлат хизматчилари лавозимларида ишлашлари таъқиқланди.

Қуролли қучларнинг офицерлар корпусини қайта тузиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

Қабул қилинган қарорлардан бирита биноан, Португалия радиоси ва телевидениеси Португалия давлатининг тўла назорати остига ўтказилди ва ҳўкумат тайинлаган маъмурлар томонидан бошқариладиган бўлди.

Ҳўкуматнинг қарорига мувофиқ ўрта ва майда корхоналарга ёрдам берадиган комиссия тузилди. Шу мақсадлар учун комиссия ихтиёрига 500 миллион эскудо пула ажратилди.

Я А Р ҚЎМОНДОНЛИГИ КЕНГАШИ РАИСИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ҚОҲИРА. 16 июнь. (ТАСС). Яман Араб Республикаси қўмондонлигининг кенгаши араб мамлакатлари билан ва бошқа ҳамма дўст мамлакатлар билан яхши муносабатларни сақлашга интиломоқда, деди кенгаш раиси полковник Муҳаммад Иброҳим Алҳамидий МЕН агентлиги мухбири билан қилган сўхбатда. У шунин таъкидладики, кенгаш аъзолари БМТ устави принципларига, шунингден Яман Араб Республикаси билан бошқа мамлакатлар ўртасида мавжуд бўлган икки томонлама битимлар ва шартномаларга амал қилиш интиладириллар.

Қўмондонлик кенгаши, деди Иброҳим Алҳамидий, мамлакатдаги сиёсий ҳокимиятини «муносиб миқлиий қучларга» топириш учун амалий тадбирларни кўрмоқда.

Қоҳирада меҳмон бўлиб турган Яман Араб Республикаси қуролли қучлари бош штабининг бошлиғи полковник Хусайн Ал-Мисварий ўтган ҳафта да Яман Араб Республикасида ҳўкуматга қарши фитна фожирингалигини матбуот вакилларига айтди. Фитнанинг бир неча қатнашчиси қамолди.



Тайланд пойтахти Бангкок 25 қаватли «Дусан Тани» меҳмонхонасидан ана шундай кўринади. Прессенс билиш — ТАСС фотос.



Муҳаммад Хўжаев ўрта мактабни тугатган унда назарда бўлиш орада тугатди. Ўз маъсудини Фрунзе ошхоналар трестига қарашли ўшхона раҳбарларига билдирди. Дастлаб бу ошхонада Муҳаммад шоярда сифатида ишлади, тажрибали назоратчилар унинг турли таомлар ва маҳсулотлар тайёрлашга ўргатдилар. Кейинчалик ёш назоратчи ўзaro ўтказиладиган кичик конкурсларда иштирок этди. Унинг маҳсулоти кўришларда яхши баҳолар олди. Аста секин ўз малакасини ошириб туринчи раундга эга бўлди. Энди Муҳаммад бошқаларни ҳам ўргатиш қобилиятига эга. М. Хўжаев актив комсомол аъзоси сифатида ёшлар орасида социалистик мусобақани йўлга қўйган. У турли шаклдаги печенье, торт ва шу сингари маҳсулотларни фақат аъло сифат билан тайёрлаш шiori асосида ишлаётди. Ҳозирги пайтда у Феруза кафеда хўрадаларнинг ўзининг ширин ва мазали таомлари, қандолат маҳсулотлари билан хушнуд этмоқда. Сиз суратда кўриб турган Вера Селиванова ҳам шу кафеда уч йил илгари иш бошлади. Вера ошхонада комсомол ташкилотининг секретари, трест ишларида ташкилотининг аъзосидир. Торт ишлашда уларга турли безаклар беришда Верага етдирилган ёшлар кам, — дейди кафе директори, В. Селиванова тайёрлаган маҳсулотлар ҳеч қачон пештахтада туриб қолмайди. Харидорлар бу маҳсулотларни яхши иштда ва юксак баъийят билан сотиб оладилар. Суратда: М. Хўжаев ва В. Селиванова.

Л. Глауберзон фотолари.



МЕДАЛЛАР ШОДАСИ
Спорт акробатикаси бўйича Москвада ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатида совет атлетикачилари 18 та олтин, 5 та кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритдилар. Улар кўп кураш программасига кирган етти спорт турининг олтисига пешқадамлик қилдилар. Алоҳида машқларни бажаришда мудом биринчилигини қўлдан бермадилар.
Москва чемпионатида бошқа мамлакатлардан келган атлетикачилар ҳам ўз наҳоратларини кўрсатиб, насиб қилган совринларини олиб кетдилар. Польша спортчилари спорт программасига кирган турларнинг кўпчилигини яхши бажаришиб, битта олтин, бештадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритдилар. ГФР спортчилари битта кумуш ва тўртта бронза медали, Венгрия ва АҚШ акробатикасига биттадан бронза медали насиб бўлди.
Спорт акробатикаси бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати 1976 йилда Германия Федератив Республикасида ўтказишга қарор қилинди.

«УНИВЕРСИТЕТ» СОВРИНЛИ ЎРИНДА
Тошкентдаги «Ешлик» спорт аренаси икки кун давомида иштирокчилар билан гавжуи бўлиб турди. Бу ерда «А» классы биринчи туринида қатнашган аркалар баскетбол командалари мамлакат чемпионатининг совринли ўринларидан бири ҳал бўлди. Майдонга тушган ТошДУ баскетболчилари билан Свердловскининг «Уралмаш» командалари ўзаро беллашди.
КОМАНДАЛАР ЎЗARO БЕЛЛАШИШДИ
Учрашунинг биринчи кунинда тошкентликлар бор имкониятларини ишга солиб, 85:65 ҳисобида галаба қозонган эди. Учрашунинг иккинчи кунини меҳмонлар қўли баланд келди. Улар 34 очко билан «Статба» командасидан кейин келишган эди. «Уралмаш» бу командани қўлиб ўтса биринчи ўринни олсини турган гап эди. Шу бондан ҳам

Свердловск баскетболчилари биринчи кунги мағлубият аланин иккинчи кун олсини қарор қилиб, энг кучли ўйинчиларни майдонга туширдилар ва 96:71 ҳисобида голлиб чиқдилар. Шундай қилиб, «Университет» командаси сўнгги матч тақдирини қатъий назар чемпионатнинг учинчи совринли ўринини эгаллади.
ШАШКАЧИЛАР БАҲСИ
Украинанинг Черноцда шахрида иккинчи Бутунитифок қишлоқ ўйинлари программасига киритилган спортнинг шашка тури бўйича мусобақалар бошланди. Мусобақада «Пахтаспор» қўнғили Марказий Спорт Совети аъзоларидан спорт мастери С. Гуляев, Л. Хенф республика чемпиони З. Бобоевона ва бошқа еш шашкачилар иштирок этмоқдалар.
Шашкачилар билан изма-из Молдавиянинг Унгани шахрида чавандозлар мусобақаси ҳам бошлаб юборилди. Кейинроқ спортнинг яна саккиз тури бўйича беллашувлар бўлади.

БИЗНИНГ АХБОРОТ САЁҲАТ — РОҲАТ

Тошкент саёҳатлар ва экскурсиялар бюросига ташаётган заявканиларнинг нисбаси кўринмайди. Ҳама саёҳатга, дам олишга оширипти. Талаб ва эҳтиёжларга яраша туристик саёҳатлар маршрuti ҳам кенгаймоқда.
Ҳозирги кунда областимизнинг Оқтош, Хумсон, Чорвоқ ён бағрига саёҳатлар уюштирилмоқда. Бошқа бир гуруҳа саёҳатчилар эса Бухоро, Самарқанд, Хева каби тарихий шаҳарларга йўл олмақдалар. Ўтган ойларида Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига салкам икки миң саёҳатчи бориб келди.
Эз мавсуми бошлангани билан мамлакатимизнинг марказий шаҳарларига ҳам саёҳатлар уюштирилмоқда. Тошкентдан чиққан поезд неча ўнлаб шаҳарларни босиб ўтади. Туристлар йўл-йўлакай бу шаҳарларда дам олмақдалар. Улкаимизнинг хушманзара жойлари билан танишмоқдалар.
Бугунги кунда Ўзбекистондан Иттифоқ бўйлаб 12 та туристик маршрут уюштирилган. 40 га яқин маҳаллий маршрутлар бўйича ҳам саёҳатчиларга хизмат кўрсатишмоқда.
Юбилей йилида 10 та шаҳар ва 16 та шаҳар атрофини уюштирилган саёҳатларнинг янги маршрuti ишлаб чиқилди. Республикаимиз тарихини ўрганиш бўйича қадимий шаҳарлар бўйлаб 12 кунлик сафар уюштирилмоқда. Бу сафар давомида саёҳатчилар Ўрта Осиёнинг ер ости саройлари, қарован йўллари билан танишдилар.
Умуман бу йил Тошкент саёҳатлар ва экскурсия бюроси салкам 600 миң кишига хизмат кўрсатади. Бюро хизматидан баҳраманд бўлиш.

„ЕШ ГВАРДИЯ“ САФАРДА
Пойтахт санъаткорлари республикамиз бўйлаб гастролларини бошлаб юбордилар. «Еш гвардия» театрининг санъаткорлари Қорақалпоғистон АССР ҳамда Хоразм областига оғлашдилар. Уларнинг репертуарлари ранг-баранг. Шухратнинг «Беш кунлик кўё», А. Иброҳимовнинг «Биринчи бўса», тожик драматурги А. Сидқийнинг «Нон, қон, инсон» асарлари намойиш этилди. Театр коллективни спектакллар кўрсатиш билан бирга ижодий учрашувлар, кечалар ўтказишди, концертлар кўрсатишди.

ТАБИАТ ОЛАМИДА
ЎРМОН ЧЕМПИОНИ
ЭВКАЛИПТ дарахтини шундай деб аташди. Бу бекиз эмас. Айталик, Австралия ўрмонларининг 90 проценти шу дарахдан иборат бўлиб, улар саноат миллион гектар ерни эгаллайди. Фақат буғина эмас. Эвкалипт жуда тез ўсиш ҳамда 150—155 метр баландликка бўлиш билан ҳам «чемпион» дарахдир. Биргина бамбук бундан ҳам юқори ўсади, аммо ботаникам уни дарах деб ҳисоблашмайди.
Эвкалиптининг яна бир аёр хислати шундаки, у туپроқдаги ортиқча суви буғлантириб, ботқоқлик ерларни тез фурсатда қуритади. Шу бондан ҳам бу дарах кўчириб, кўпайтирилган жойларда «жонли насос» деб ҳам аташди. Австралияда эса унга «қайт дарахти», «ўрмон олмаси» деган ном берилган. Эвкалипт чиндан ҳам шу номларни тўлатиш оқийди. Ундан турли хил касалликларни — малария, скарлатина, дифтерия, бронхит, гриппни даволовчи доридармлар тайёрланади.
Мамлакатимизда эвкалипт дарахти асосан Кавказнинг Қора

Қаҳрамоннинг йўли

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ботир Бобоев босиб ўтган йўл барча учун ибратлидир. У Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам, тинч қурилишлар даврида ҳам коммунистга хос сабот ва матонат, ташаббус ва ташкилотчилик намуналарини кўрсатди.
Немис-фашистлари оша-Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирган дастлабки кунлардаёқ у жангга отланган эди. Харьков шаҳридаги танкака қарши отувчи қирувчи артилдерия курсини тавомлагандан сўнг Сталинград фронтда жанговар хизматини давом эттирди.
Сталинград учун бўлган жангларда еш артиллериячи Ботир Бобоевнинг мардлиги ва жасорати оғизга тушган, уни танкака қарши қирувчи артилдерия батареясининг командири қилиб тайинланди.
Уруш сўмоқлари ўзбек ўғлонини Европа томон етаклади. У ўз йигитлари билан Орёл, Гомель, Минск каби йирик шаҳарлар учун бўлган

жангларда иштирок этди. Польшанинг Оборнини қишлоғида бўлган дахияти жангларда қанчадан-қанча фашистларни ер тиллатди. Тарихий Берлин операциясида ўзбек ўғлони Ботир, ташаббус ва ташкилотчилик намуналарини кўрсатди. У командирлик қилган батарея алоҳида мардлик намуналарини кўрсатди.
Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ботир Давронович Бобоевнинг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган мислиёз жасоратини юксак баҳолади. У Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Қаҳрамон жангчи Ботир Бобоев урушдан сўнг Германияда Беш қўмондонлигининг махсус тошчиқларини аъло даражада бажарди. У қарорда бўлмасин ҳақиқий коммунист сифатида сиқидилдан, ҳалол меҳнат қилди.
Полковник Бобоев Совет Армияси сафарида салкам 35 йил хизмат қилди. Қарийб чорак асрнинг умрини беосита Туркестон Ҳарбий округи қўшинларида ўтказди. 1954 йилдан бошлаб у Олмалик шаҳар Ҳарбий комиссариатига раҳбарлик қилди. 1956 йилдан 1973 йилгача Октябрь район Ҳарбий комиссари давомида хизмат қилди.
Қаҳрамон жангчи, моҳир

ташкilotчи Ботир Давронович Ҳарбий хизмат билан бир қаторда катта жамоат ишларини ҳам аъло даражада бажариб келган. У кўп йиллардан бери Ўзбек совет энциклопедияси хазинасида Ҳарбий йиллар секциясини бошқарипти. Уруш ветеранлари Совет комитети Ўзбекистон секциясининг раиси, Ўзбекистон ЖКСМ Марказий Комитетида ташкил қилинган Ҳарбий-ватанпарварлик секциясининг раҳбари, республика «Билим» жамияти» Ҳарбий-илмий методик Советининг аъзоси сифатида ҳам катта ташкилий-тарбиявий ишлар олиб борапти.
Бугунги кунда биз Ўзбек халқининг қаҳрамон ўғлони Ботир Бобоевни 60 ёши билан муборакбод қилмоқдамиз. Барча қурулдон дўстлари ва шогирдлари унга узоқ умр ва сиаҳат-саломатлик тилайдилар.
Генерал-майор
С. ОХУНЖОНОВ,
Полковник Ю. БОЗОРОВ.

ЎРМОН ЧЕМПИОНИ

ЭВКАЛИПТ дарахтини шундай деб аташди. Бу бекиз эмас. Айталик, Австралия ўрмонларининг 90 проценти шу дарахдан иборат бўлиб, улар саноат миллион гектар ерни эгаллайди. Фақат буғина эмас. Эвкалипт жуда тез ўсиш ҳамда 150—155 метр баландликка бўлиш билан ҳам «чемпион» дарахдир. Биргина бамбук бундан ҳам юқори ўсади, аммо ботаникам уни дарах деб ҳисоблашмайди.
Эвкалиптининг яна бир аёр хислати шундаки, у туپроқдаги ортиқча суви буғлантириб, ботқоқлик ерларни тез фурсатда қуритади. Шу бондан ҳам бу дарах кўчириб, кўпайтирилган жойларда «жонли насос» деб ҳам аташди. Австралияда эса унга «қайт дарахти», «ўрмон олмаси» деган ном берилган. Эвкалипт чиндан ҳам шу номларни тўлатиш оқийди. Ундан турли хил касалликларни — малария, скарлатина, дифтерия, бронхит, гриппни даволовчи доридармлар тайёрланади.
Мамлакатимизда эвкалипт дарахти асосан Кавказнинг Қора

ЭЛ ХИЗМАТИДА

либ, ҳозиргина юк ортиб бўлган машинага тикилганча дейди.
— Маҳсулотларни манзилга марказлашган усулда етказиб бериш йўлга қўйилди. Бу — бир томондан савдо тармоқла, рига қўл келган бўлса, иккинчидан маҳсулотларнинг оморбоноларда беҳуда туриб қолиши ва сифатида пугур етилишини олдини олмақда. Асосий си вагонларнинг бекор туриб қолишига чек қўйилди.
Районлараро базада амалга оширилган тадбирлар шулар гина эмас. Меҳнаткашларнинг турли буюм, маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш мақсадида махсус тақдирлар ташкил этилган. Аҳоли эҳтиёжини ўрганиш гуруҳаси уч кишидан иборат бўлиб, гуруҳа аъзолари районлар, қишлоқ магазинларига чиқиб, харидорлар билан учрашадилар, уларни қандай нарсалар қизиқтиришини ўрганиб қайтадилар. Чунинчи, Бекобод район — магазинлари пештахтада сотилмай етган газламаларга тоғлиқ районларда — Паркент, Заркент, Хумсонларда таалаб катта экани аниқланди.
— Бундай тадбирлар ўз са-

ларасини кўрсатмоқда, — дейди директор. — Йўмладан, биринчи квартал планини олиб бажардик. Иккинчи квартал топириши оша муддатидан бир ой илгари зиндаси билан адо этилди. База ўз фондига қўшимча равишда маҳсулот қабул қилиш лрми йилдаги планни ҳам беш ой ичда ушлади. Мўлжалдаги 2600 миң ўрнига 2795 миң сумлик маҳсулот қабул қилинди.
Йқин-қиниларгача қолақ, қўнмисизлик катта, меҳнат интизоми ниятда бўш ҳисобланган коллективнинг илгорлар сафига кўтарилишида база дирекцияси, партия ва касаба со, уш ташкилотларнинг хизматлари салмоқлидир. Ишчи социалистик мусобақа асосида ташкил этиш, илгор усуллардан кенг фойдаланиш, ҳар бир минутаги қадрига еттиш каби тадбирлар ниятасида, биринчи квартал планни ҳамда социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига кўра Тошкент обаста мотубот жамияти ва касаба союзлари обаста комитетларининг Қўйма Қизил Байроғи ҳамда биринчи даражали пул мукофоти билан тақдирланди.

Йўмладан, улгуржи товар обороти планни 104 процент қилиб бажаришди, база хизмат ташкилотини барча кооперация ташкилотлари чакана товар обороти топириқларини ошириб адо этиш, планда беллангандан айча ортиқ иқтисодий тежамкорликка эришилди.
— Бундай ютуқларимизда, — дейди пиравардида ўртоқ Имомов, — социалистик мусобақа голиблари автокар ҳайдовчиси Қаҳҳор Юсупов, товар, шувоилар Владимир Рифтин, Ҳасан Турдалиев, Виктор Палчиков, омор мудири Умар Ойхўжаев, Олим Бойматов, Рухитдин Тожибоев, товаршунас — брачки Нойла Сандова ва бошқаларнинг хизматлари каттадир. Коллективимиз эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмасдан, ўз зиммасига янада оширилган мажбуриятлар қабул қилди. Республикаимиз олтин тўйига йиллик топириқларини муддатидан олдин бажариш, аҳолининг зарур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини бундан бўён ҳам тўла қондира бориш, савдо хизмати кўрсатиши ахилилаш барча ишчи-хизматчиларимизнинг шу кунги шiori бўлиб қолди.
Я. САЛИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана а обласполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР:

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Индекс 64634, А — 2519.